

# ШАРТНОМА № 112

(Товар-моддий бойликлар, озик-овкат, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

"03

11

2022 йил

Учкуприк тумани

2-ИДУМИ рахбари С.Султонов бундан буён бир томондан «Харидор» деб юритилади, Низом асосида иш юритувчи, иккинчи томондан "SHIMYON BARAKA SAVDO SERVIS" МЧЖ рахбари А.Ахмедов Низом асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва куйидагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Озик-овкат ва кишлоқ хужалиқ махсулотлари сотиш ва етказиб бериш.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1. Махсулотлар куйидагиларча етказиб берилади.

№	Лот номери	Товар. махсулот номлари	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	22110012168749	Пиёз (захира учун)	Кг	1000,0	3 090	3 090 000
Жами:				1000		3 090 000

2.2 Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси ҚҚС билан : **Уч миллион тўқсон минг сум 00-т**

## III. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилётган товарнинг 30% микдориди пул утказиш йули билан туловни амалга оширади колган 70% ни 60 кун давомида амал килади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган холда кушимча белгиланади.

## IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни 1(бир) ой муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

## V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чикариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманин шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни кайтариб олиб куйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманин 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини кайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошка курсаткичларини курсатиш шарт. Шунингдек, хисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун хужжатлариди белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида махсулотни қабул килиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 3(уч) кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Коңунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан туланган маблаги булган холда, товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартномада курсатилган сумманин 0,5% микдориди «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня микдори шартнома кийматинин 50% ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талаблариди курсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбдор тараф . 5 % микдориди жарима тулайди.

7.4. «Харидор» олинган товар учун туловни уз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманин 0.4% микдориди «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманин 50% дан ортик булмаслиги лозим.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги холатларга: сув тошқини, ёнгин, ер кимираши ва бошкалар

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

